

**МАВЛОНО РУМИЙ ВА ШАМС ТАБРЕЗИЙ: “МУРИД” ВА “МУРШИД” ИРФОНИЙ  
ИСТИЛОҲЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ГЕРМЕНЕВТИК ТАЛҚИНИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19536843>

**Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич**

*фалсафа фанлари доктори(DSc),*

*ISFT институти “Гуманитар ва табиий фанлар” кафедраси профессори*

*jafarmuhammad@mail.ru*

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

**Мирзаев Аҳроржон Азамович**

*фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),*

*Фарғона политехника институти доценти*

*ahrorjon.mirzayev@fstu.uz*

<https://orcid.org/0000-0002-9709-1337>

**Аннотация:** Ушбу мақолада Тасаввуф таълимотида “мурид” ва “муршид”/“мурод” муносабатларининг моҳияти Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табресий мисолида таҳлил қилинади. Муаллиф Мавлоно Румий ва Шамс Табресий ўртасидаги руҳий алоқа, маънавий таъсир ва ички трансформация жараёнлари тасаввуфий ва адабий манбалар асосида ёритиб беради, бу икки буюк шахс ўртасидаги руҳий яқинлик, маънавий камолот жараёни ва бадиий ифода воситалари орқали уларнинг ўзаро таъсири каби масалалар, шунингдек, муридликдан муродликка ўтиш жараёнининг фалсафий моҳиятини очиб беради.

Мақолада Румий ижоди мисолида Шамс образининг шаклланиши ва унинг поэтик функцияси ҳамда руҳий камолотдаги ўрни каби масалалар тадқиқ этилади, тасаввуфий манбалар, адабий асарлар ва илмий тадқиқотлар асосида Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табресий ўртасидаги муносабат тасаввуфий онтология ва герменевтик ёндашув асосида таҳлил қилинади.

Шунингдек, “мурид” ва “муршид”/“мурод” ирфоний истилоҳлари ёхуд фалсафий-ирфоний категориялари ўртасидаги диалектик алоқа Румий матнлари мисолида талқин этилади. Тадқиқотда Шамс образи “тарихий шахс” эмас, балки “маъно ҳодисаси” сифатида интерпретация қилиниб, Румий ижодида ишқ, фано ва рамзлар тизими герменевтик айланма доирасида таҳлил қилиниб, маънонинг кўп қатламлилиги очиб берилади.

Мақолада классик ва замонавий тадқиқотлар асосида чуқур бадиий таҳлил ва интерпретация олиб борилган.

**Калит сўзлар:** Тасаввуф, Ирфон, Тасаввуф фалсафаси, мурид, муршид, Мавлоно Румий, Шамс Табресий, бадиий образ, ишқ, тариқат, маънавий камолот, руҳий

*тарбия, маърифат, ҳақиқат, таҳлил, муқояса, талқин, герменевтика, герменевтик таҳлил, герменевтик талқин.*

## **MAULANA RUMI AND SHAMS TABREZI: PHILOSOPHICAL-HERMENEUTIC INTERPRETATION OF THE MYSTICAL TERMS “MURID” AND “MURSHID”**

**Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich**

*Doctor of Philosophical sciences (DSc),*

*Professor of the Department of “Humanities and Natural Sciences”*

*ISFT Institute (Tashkent)*

*jafarmuhammad@mail.ru*

*<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>*

**Mirzaev Ahrorjon Azamovich**

*Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy,*

*Associate Professor of the Fergana Polytechnic Institute*

*axrorjon.mirzayev@fstu.uz*

*<https://orcid.org/0000-0002-9709-1337>*

**Abstract:** *This article analyzes the essence of the relationship between "murid" and "murshid"/"murod" in Sufism, using the examples of Maulana Jalaluddin Rumi and Shams Tabrezi.*

*The author illuminates the spiritual connection, spiritual influence, and processes of inner transformation between Maulana Rumi and Shams Tabrezi based on mystical and literary sources, revealing such issues as the spiritual closeness between these two great figures, the process of spiritual maturity and their interaction through art, as well as the philosophical essence of the transition from muridism to murodism.*

*The article examines such issues as the formation of the image of Shams, his poetic function, and his role in spiritual maturity using the work of Rumi as an example, and also analyzes the relationship between Maulana Jalaluddin Rumi and Shams Tabrezi based on mystical ontology and hermeneutic approaches based on mystical sources, literary works, and scientific research.*

*The dialectical relationship between the mystical terms "murid" and "murshid"/"murod," or philosophical and mystical categories, is also explored using Rumi's texts as an example.*

*The study interprets the figure of Shams not as a "historical figure," but as a "phenomenon of meaning," and the system of love, death, and symbols in Rumi's works is analyzed within the framework of a hermeneutic cycle, revealing the multilayered nature of meaning.*

*The article provides an in-depth artistic analysis and interpretation based on classical and contemporary research.*

**Keywords:** *Sufism, Irfan, Sufi philosophy, murid, murshid, Maulana Rumi, Shams Tabaresi, artistic image, love, path, spiritual maturity, spiritual education, enlightenment, truth, analysis, comparison, interpretation, hermeneutics, hermeneutic analysis, hermeneutic interpretation.*

**МАУЛАНА РУМИ И ШАМС ТАБРЕЗИ: ФИЛОСОФСКО-ГЕРМЕНЕВТИЧЕСКАЯ  
ИНТЕРПРЕТАЦИЯ СУФИЙСКИХ ТЕРМИНОВ «МУРИД» И «МУРШИД»**

**Холмуминов Джафар Мухаммадиевич**

доктор философских наук (DSc),  
профессор кафедры «Гуманитарных и естественных наук»

Института ISFT (Ташкент)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

**Мирзаев Ахроржон Азамович**

доктор философии (PhD),  
доцент Ферганского политехнического института

ahrorjon.mirzayev@fstu.uz

<https://orcid.org/0000-0002-9709-1337>

**Аннотация:** *В данной статье анализируется сущность взаимоотношений между «муридом» и «муршидом»/«муродом» в учении Суфизма на примере Мауланы Джалалуддина Руми и Шамса Табрези.*

*Автор освещает духовную связь, духовное влияние и процессы внутренней трансформации между Мауланой Руми и Шамсом Табрези на основе мистических и литературных источников, раскрывая такие вопросы, как духовная близость между этими двумя великими фигурами, процесс духовной зрелости и их взаимодействие посредством искусства, а также философскую сущность процесса перехода от муридизма к муродизму.*

*В статье рассматриваются такие вопросы, как формирование образа Шамса и его поэтическая функция и роль в духовной зрелости на примере творчества Руми, а также анализируются взаимоотношения между Мауланой Джалалуддином Руми и Шамсом Табрези на основе мистической онтологии и герменевтических подходов, опирающихся на мистические источники, литературные произведения и научные исследования. Также диалектическая связь между мистическими терминами «мурид» и «муршид»/«мурод» или философско-мистическими категориями интерпретируется на примере текстов Руми.*

*В исследовании образ Шамса интерпретируется не как «историческая личность», а как «феномен смысла», а система любви, смерти и символов в*

*творчестве Руми анализируется в рамках герменевтического цикла, раскрывая многослойность смысла.*

*В статье проводится углубленный художественный анализ и интерпретация на основе классических и современных исследований.*

**Ключевые слова:** Суфизм, Ирфан, суфийская философия, мурид, муршид, Маулана Руми, Шамс Табарези, художественный образ, любовь, путь, духовная зрелость, духовное воспитание, просветление, истина, анализ, сравнение, интерпретация, герменевтика, герменевтический анализ, герменевтическая интерпретация.

## **КИРИШ**

Тасаввуф таълимоти Ислом маънавиятининг энг нозик ва чуқур қатламларидан бири бўлиб, инсон руҳияти, унинг комилликка интилиши ва ҳақиқатни англаш жараёнини ўрганади. Бу жараёнда “мурид” ва “муршид” муносабати марказий ўрин тутди.

Инсон маънавияти, унинг ички дунёси ва ҳақиқатга интилиши масаласи барча даврларда фалсафа ва адабиётнинг марказий мавзуси бўлиб келган. Айниқса, Ислом цивилизацияси доирасида шаклланган Тасаввуф таълимоти бу масалаларни энг чуқур ва бадиий жиҳатдан бой тарзда ифода этган диний-фалсафий йўналишдир.

Тасаввуфда инсоннинг маънавий камолотга етиши “йўл” (сулук) сифатида қаралади ва бу йўлда мурид (шогирд) ўз муршиди (йўлбошчиси) орқали маърифатга эришади. Бироқ, баъзи ҳолларда бу муносабат оддий устоз-шогирд чегарасидан чиқиб, илоҳий ишқ ва руҳий бирлик даражасига кўтарилади. Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табарезий ўртасидаги муносабат ана шундай ноёб феномен ҳисобланади. Тарихий ва адабий манбаларда қайд этилишича, Румийнинг Шамс билан учрашуви унинг ҳаётида кескин бурилиш ясаган ва унинг бутун ижодий ҳамда маънавий йўлини ўзгартирган (Шиммел, 2004, 60-бет).

Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табарезий ўртасидаги муносабат ана шу тасаввуфий анъананинг энг юксак намунасидир. Румийнинг маънавий қайта туғилиши, унинг шоир сифатидаги юксалиши айнан Шамс билан учрашувидан кейин бошлангани илмий адабиётларда кўп бор таъкидланган (Шиммел, 2004, 56-бет).

Ушбу мақоланинг асосий мақсади – Румий ва Шамс муносабатини “мурид” ва “муршид” / “мурод” категориялари асосида таҳлил қилиш, уларнинг ўзаро таъсирини тасаввуфий ва адабий жиҳатдан очиб бериш, ушбу муносабатни “мурид ва мурод” концепцияси доирасида қайта интерпретация қилиш ва Румий матнларидаги маъно қатламларини герменевтик таҳлил орқали очиб беришдан иборат.

**Методология:**

Мақолада қуйидаги тадқиқот усулларида фойдаланилди:

- тарихий-қиёсий таҳлил;
- фалсафий-герменевтик ёндашув;

- герменевтик айланма (қисм ва бутун ўртасидаги маъно муносабатини таҳлил қилиш);

- символик интерпретация (Румий шеъриясидаги рамзлар ва метафораларни талқин қилиш);

- онтологик таҳлил (муридлик, муродлик ва ишқ феноменларининг борлиғи);

- бадий матн таҳлили;

- тасаввуфий манбаларни интерпретация қилиш.

Мазкур тадқиқотда комплекс ёндашув қўлланилди.

Биринчи навбатда, тарихий-қийёсий таҳлил усули орқали Румий ва Шамс ҳаётига оид манбалар ўрганилди.

Иккинчидан, герменевтик таҳлил ёрдамида Румийнинг шеърий матнлари, айниқса “Маснавий” ва “Девони Шамси Табрезий” асарларидаги рамзий маънолар талқин қилинди.

Учинчидан, тасаввуфий-фалсафий ёндашув асосида мурид, муршид ва мурод тушунчаларининг назарий асослари кўриб чиқилди.

Тадқиқотда қуйидаги манбалар асос бўлиб хизмат қилди:

- классик тасаввуфий асарлар;

- Румий ижоди: “Маснавийи маънавий”, “Девони Шамси Табрезий” асари;

- замонавий Ғарб ва Шарқ тадқиқотчилари ишлари.

Мақоланинг мақсади – ушбу муносабатни герменевтик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, Румий ижодидаги маъно қатламларини очиш ва муридликдан муродликка бўлган ички йўлни интерпретация қилишдан иборат.

Таҳлил ва натижалар:

1. Тасаввуфда “Мурид” ва “муршид” / “мурод” концепцияси.

Тасаввуф таълимотида “мурид” тариқат йўлига кирган шогирд бўлса, “муршид” ёки “мурод” унинг руҳий-маънавий раҳнамоси – пири ҳисобланади. Аммо баъзи ҳолларда “муршид” нафақат устоз, балки илоҳий ҳақиқатнинг тимсоли сифатида намоён бўлади (Наср, 1999, 112-бет).

Румий ва Шамс муносабатида айнан шу ҳолат кузатилади: Шамс Румий учун оддий устоз эмас, балки илоҳий нур манбаи сифатида қабул қилинади.

Тасаввуф таълимотида инсоннинг камолотга етиши муайян босқичлар орқали амалга ошади. Бу босқичларда мурид ўз нафсини поклаб, руҳий юксалишга интилади. Муршид эса бу жараёнда раҳбарлик қилади. Бироқ, “мурод” тушунчаси бундан кенгроқ маънога эга бўлиб, у инсоннинг интилаётган энг олий мақсади – илоҳий ҳақиқатни англашни ифодалайди (Наср, 1999, 115-бет).

Румий ва Шамс муносабатида Шамс нафақат муршид, балки муродга олиб борувчи тимсол сифатида намоён бўлади.

2. Румийнинг маънавий инқилоби.

Румий Шамс билан учрашгунга қадар машҳур уламо, мударрис ва фақиҳ сифатида танилган. Унинг ҳаёти тартибли, илмга асосланган ва зоҳирий билимлар

билан бой эди. Бироқ, Шамс билан учрашув унинг ички дунёсида “инқилоб” ясади. У.Читтик таъкидлаганидек, “Шамс Румийни китоблардан тортиб, ҳаётнинг ўзига олиб кирди” (Читтик, 1983, 25-бет). Бу жараён Румийнинг ўз сўзларида қуйидагича ифодаланади: “Мен хом эдим, пишдим ва ёндим” (Румий, 1-жилд, 45-бет). Бу ерда “ёниш” – ишқ орқали руҳий покланиш ва қайта туғилишни англатади.

Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табрезий муносабатига анъанавий тарихий ёндашув кўпинча уни устоз – шогирд ёки дўстлик доирасида талқин қилади. Бироқ, бундай ёндашув ушбу муносабатнинг онтологик ва маъновий чуқурлигини тўлиқ очиб беролмайди. Герменевтик нуқтаи назардан қаралганда, Шамс – бу Румий ҳаётида юз берган “ҳодиса” (event) бўлиб, у Румийнинг бутун маъно тизимини қайта қурган. Яъни, Шамс Румий учун ташқи шахс эмас, балки ички маънони очувчи калитга айланади. Шиммел таъкидлайди: “Шамс билан учрашув Румий учун фақат ҳаётий воқеа эмас, балки маънавий инқилоб эди” (Шиммел, 2004, 58-бет).

3. Шамс – маънаван уйғотувчи куч.

Тарихий манбаларга кўра, Румий Шамс билан учрашгунга қадар анъанавий шариат олими ва фақиҳи бўлган. Аммо бу учрашув унинг бутун ҳаётини ўзгартирган (Читтик, 1983, 23-бет).

Шамс Румийни зоҳирий илмдан ботиний маърифатга олиб ўтди. Бу жараён Румийнинг шеърлятида қуйидагича ифода этилади:

“Мен хом эдим, пишдим ва ёндим” (Румий, 1-жилд, 45-бет).

Бу ибора Румийнинг маънавий камолот босқичларини ифодалайди.

4. Илоҳий ишқ феномени.

Румий ва Шамс муносабатининг марказида ишқ тушунчаси туради. Аммо бу ишқ оддий инсоний муҳаббат эмас, балки илоҳий ишқ – “ишқи ҳақиқий”дир. Шиммелнинг фикрича, “Румий учун Шамс – Худоба олиб борувчи кўприк эди” (Шиммел, 2004, 72-бет). Бу ишқ Румийни бутунлай ўзгартирди ва унинг ижодида асосий мавзуға айланди.

Румий учун ишқ – бу нафақат ҳиссиёт, балки маънони англаш усулидир.

Ишқ орқали у дунёни қайта “ўқийди”. “Ишқсиз ҳар бир сўз ўликдир” (Румий, 3-жилд, 67-бет). Бу ерда ишқ – герменевтик калит, яъни, интерпретация усули сифатида намоён бўлади.

5. Шамс образининг бадиий талқини.

“Девони Шамси Табрезий” асарида Шамс образи турли ирфоний рамзлар орқали ифодаланади:

-қуёш;

-нур;

-олов;

-ишқ;

-ҳаёт манбаи.

Бу рамзлар орқали Румий Шамсни илоҳий ҳақиқатнинг тимсоли сифатида тасвирлайди. Масалан:

“Сен қуёшсан, мен эса сенинг нурунгни” (Румий, 2-жилд, 112-бет).

Бу ерда поэтик функция — ички руҳий ҳолатни ташқи образ орқали ифода этишдир.

“Девони Шамси Табрезий”да Шамс нафақат инсон, балки илоҳий ҳақиқатнинг тимсоли сифатида намоён бўлади (Шиммел, 2004, 89-бет). Бу ерда бадиий образнинг поэтик функцияси – маънавий ҳақиқатни рамзий тарзда ифода этишдир.

6. Фано ва бақо ирфоний-фалсафий категориялари. Фано ва абадийлик феномени.

Тасаввуфда муҳим тушунчалардан бири – “фано” (ўзликни йўқ қилиш) ва “бақо” (абадийликка етишиш)дир.

Румий Шамс орқали “фано” ҳолатига эришади, яъни, ўз “мен”идан воз кечади. С.Наср таъкидлаганидек, “Фано – бу йўқолиш эмас, балки ҳақиқий мавжудликка етишишдир” (Наср, 1999, 140-бет).

7. Фано – маънонинг парчаланиши.

Тасаввуфда фано кўпинча “ўзликни йўқ қилиш” деб тушунтирилади. Бироқ, герменевтик жиҳатдан фано – бу “маънонинг парчаланиши”, яъни, олдинги интерпретацияларнинг йўқолишидир. Наср таъкидлайди: “Фано – эски “мен”нинг маъновий инкоридир” (Наср, 1999, 142-бет). Бу жараён Румийда Шамс таъсири орқали амалга ошади. Фано – нафақат ўзликни йўқ қилиш, балки маънонинг парчаланиши ҳамдир. Румийда бу Шамс таъсири орқали амалга ошади (Наср, 1999, 142-бет).

8. Шамснинг ғойиб бўлиши ва руҳий трансформация.

Шамснинг ғойиб бўлиши Румий учун катта синов бўлди. Бироқ, айнан шу йўқотиш уни янада чуқурроқ маънавий изланишга ундади. У.Читтик айтганидек, “Шамс кетди, аммо унинг руҳи Румийда қолди” (Читтик, 1983, 80-бет). Бу ҳолат Румий ижодида абадий ишқ ва ички нур сифатида намоён бўлади.

Шамснинг ғойиб бўлиши Румий ҳаётида катта бурилиш нуқтаси бўлган. Бу йўқолиш Румийни янада чуқур ички изланишларга ундаган. Натижада, Шамс жисмонан йўқ бўлса-да, Румий қалбида абадий мавжуд бўлиб қолган. Бу ҳолат унинг шеърлятида кўплаб рамзлар орқали ифодаланади (Читтик, 1983, 78-бет).

Шамснинг ғойиб бўлиши ташқи жиҳатдан йўқотиш бўлса-да, ички жиҳатдан янги ҳузурни яратади.

Читтик шундай ёзади: “Шамс кетганидан кейин Румий уни ўз ичида топди” (Читтик, 1983, 82-бет). Бу парадокс герменевтик нуқтаи назардан “йўқлик орқали ҳозирлик” феномени сифатида тушунилади.

Шамснинг ғойиб бўлиши ташқи жиҳатдан йўқотиш, лекин ички жиҳатдан янги ҳузур яратади.

## 9. Шамс – “матнни очиб берувчи ҳодиса” сифатида.

Герменевтикада маъно ҳар доим тайёр ҳолда берилмайди; у муайян “учрашув” жараёнида юзага келади. Румий учун Шамс айнан шундай учрашувдир. У Румийнинг олдинги билим тизимини “бузади” ва янги маъно уфқини очади. Читтик бу ҳақда шундай ёзади: “Шамс Румийни маълумотдан маънога олиб ўтди” (Читтик, 1983, 27-бет). Бу ерда муҳим жиҳат – Шамснинг тарихи эмас, балки унинг Румий онгидаги функцияси.

## 10. Мурид ва мурод ўртасидаги диалектика.

Анъанавий Тасаввуфда мурид – изловчи, мурод эса мақсад ҳисобланади. Бироқ Румий тажрибасида бу икки тушунча ўзаро алмашади. Румий Шамсга мурид сифатида боғланади ва вақт ўтиши билан Шамс “мурод” – яъни, илоҳий ҳақиқат тимсолига айланади. Наср таъкидлайди: “Тасаввуфий тажрибада устоз баъзан ҳақиқатнинг ўзига айланади” (Наср, 1999, 118-бет). Бу ҳолат герменевтик нуқтаи назардан “маъно марказининг силжиши” сифатида изоҳланади.

## 11. Муриддан муродга интилиш.

Румийнинг руҳий йўлида муҳим жиҳат шундаки, у фақат мурид бўлиб қолмайди, балки мурод – яъни, илоҳий ҳақиқатга етишишга интилади. Шамс эса бу йўлда восита, кўзгу вазифасини бажаради. Тасаввуфда бу ҳолат “устоз орқали ҳақиқатни топиш” деб изоҳланади (Наср, 1999, 134-бет).

Румий Тасаввуф тарихида ихлос ва иродат тимсоли. Унинг борлиғи, мавжудлиги ана шу ихлос ва иродат асосида қурилган:

کردن جا همه وجودم جمله نظرش یک کز ی گازه ق طب آن از اف تادم عجب در من  
( 343 /3 شمس، دی وان ).

Мен ўша ягона қутбдан ажабда қолдим

Унинг бир назари бутун вужудимни жон қилди.

Румийнинг руҳий йўли – бу муридликдан муродликка ўтиш жараёнидир. У аввал Шамсга боғланади, кейин эса Шамс орқали илоҳий ҳақиқатни топади, ўзи ҳам Шамсга айланади. Бу жараён Тасаввуфда энг юксак маънавий камолот босқичи ҳисобланади.

## 12. “Мен хом эдим...”: матннинг герменевтик таҳлили.

Румийнинг машҳур ибораси: “Мен хом эдим, пишдим ва ёндим” (Румий, 1-жилд, 45-бет) анъанавий равишда маънавий камолот босқичлари сифатида талқин қилинади. Бироқ, герменевтик таҳлил шуни кўрсатадики, бу ерда “ёниш” – маънонинг ўзгариши, яъни, субъектнинг қайта қурилиши демакдир. Бу жараёнда “мен” ўз барқарорлигини йўқотади ва янги онтологик ҳолатга ўтади.

## 13. Шамс образи – рамз ёки реаллик?

Румий матнларида Шамс кўпинча қуёш, нур, олов, ишқ сифатида тасвирланади.

“Сен қуёшсан, мен сенинг сояман” (Румий, 2-жилд, 113-бет). Бу ерда Шамс реал шахсдан кўра, маъно марказига айланади. А.Шиммель ёзади: “Шамс Румий

шеърияида космик символга айланади” (Шиммел, 2004, 90-бет). А.Шиммелнинг фикрича, Шамс – тарихий шахсдан кўра рамз, “илоҳий нур” ифодасидир. Зотан, “Шамс – Румийнинг ички “мен”ини уйғотган кучдир” (Шиммел, 2002, 54-бет).

14. Шамс – маъно ҳодисаси.

Анъанавий тарихий талқинда Румий ва Шамс муносабати оддий ўстоз-шогирд ёки дўстлик сифатида қаралса, герменевтик таҳлил шу муносабатни маъно ҳодисаси даражасига кўтариб қарайди. Шамс Румий учун фақат тарихий шахс эмас, балки маънони очувчи, руҳий трансформацияни амалга оширувчи ҳодиса ҳисобланади (Шиммел, 2004, 58-бет).

Шамс чиқиб кетганидан сўнг Румий чуқур қайғуга ботади ва ўз пиру муршидини “маъно олами” деб атайди:

ب گرید سے تی ال بیش پرفخرآن برتا ک سی کو و ب رفیت ت بری زی شمس  
شمس، دیوان) ب گرید سے تی صور این اوی ل بیک  
زویافت عرو سی معنی عالم

28934)

Мазмуни: Шамс Табризий кетди, башар фахри учун йиғлайдиган одам борми? Маъно олами ундан бир келин топди, лекин энди усиз бу сурат йиғлади.

Эронлик машҳур румийшунос Муҳаммад Истеъломи таъбирича, “Мавлоно Шамсни учратиб, янги дунёда туғилди” (Истеъломий, Муҳаммад, 2000, 54-бет). Румийнинг “қайта туғилиши” – Шамснинг “маъно ҳодисаси” эканини англатади. Шамс – бу белгилар тизимидаги марказий символ, Шамс эса реал шахсдан кўра маъно марказига айланади.

Герменевтикада маъно ҳозирликда, учрашув орқали юзага чиқади. Румий учун Шамс – бундай маъно ҳодисаси. Чунки у Румийнинг олдинги билим тизимини қайта қурди ва янги маъно уфқини очди. У.Читтик таъкидлайди: “Шамс Румийни маълумотдан маънога олиб ўтди” (Читтик, 1983, 27-бет). Бу ерда муҳим жиҳат – Шамс Табрезий тарихий шахс эканлиги билан эмас, балки у Румий онгидаги функцияси билан аҳамиятли.

## ХУЛОСА

Тасаввуф таълимоти ислом маънавиятининг энг чуқур ва нозик қатламларидан бири ҳисобланади. У инсон руҳиятининг камолоти, ҳақиқатни англаши ва маънавий интилишини ўрганади. Мурид ва муршид/мурод муносабатлари бу жараёнда марказий ўрин тутаяди.

Мавлоно Румий ва Шамс Табрезий ўртасидаги муносабат Тасаввуф тарихидаги энг ноёб ва чуқур руҳий алоқалардан биридир. Уларнинг муносабати оддий “ўстоз-шогирд” чегарасидан чиқиб, “мурид” ва “муршид”/“мурод” даражасига кўтарилган. Шамс Румий учун илоҳий ҳақиқатнинг тимсолига айланган бўлса, Румий унинг таъсирида буюк шоир ва мутафаккир сифатида камол топган. Бу муносабат нафақат тасаввуфий, балки адабий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, жаҳон адабиётида ноёб бадиий феномен сифатида намоён бўлади.

Мавлоно Румий ва Шамс Табрeзий муносабати анъанавий таърифлардан ташқари, чуқур герменевтик ҳодиса сифатида қаралиши лозим. Ушбу муносабатда:

- Шамс – тарихий шахс эмас, балки маъно ҳодисасидир; бу ҳодиса натижасида муридлик ва муродлик бирлашади;

- мурид ва муршид / мурод ўртасидаги чегара йўқолади;

- ишқ – интерпретация усулига айланади ва марказий ўрин тутди;

- инсоннинг ички трансформацияси амалга ошади.

Румий ижоди шу нуқтаи назардан қаралганда, доимий қайта ўқишни талаб қиладиган очиқ матн сифатида намоён бўлади.

Румий нигоҳида Ишқ – нафақат ҳиссиёт, балки маънони англаш усулидир: “Ишқсиз ҳар бир сўз ўликдир” (Румий, 3-жилд, 67-бет). Демак, Румий тафаккурида Ишқ универсал герменевтик калит ва интерпретация усули сифатида намоён бўлади.

Румий ижодида Шамс нафақат тарихий шахс, балки илоҳий ҳақиқатнинг рамзи сифатида намоён бўлади. Шу жиҳатдан, мазкур муносабат нафақат тасаввуфий, балки адабий ва фалсафий жиҳатдан ҳам улкан аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Истеъломий, Муҳаммад. Илоҳий ишқ куйчиси. Жалолиддин Румий ҳақида. / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Техрон, 2000.
2. Наср, Сейид Хусейн. Тасаввуф таълимоти. – Лондон, 1999.
3. Румий, Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Техрон, 1990.
4. Румий, Жалолиддин. Девони Шамси Табрeзий. – Истанбул, 1998.
5. Шиммел, Аннемарие. Ислом мистицизми. – Тошкент, 2004.
6. Читтик, Уильям. Сўфий йўллари. – Нью-Йорк, 1983.
7. تهران في روزانہ، الزمان بديع ت صحیح ب ه شمس، ديوان الديق، جلال مولوی،  
1386 ام یرک ب یر، از انتشارات